



## HAYOT DAVOMIDA TA'LIM Olish: YANGI PARADIGMALAR VA KUTILADIGAN NATIJALAR

FAN, TA'LIM VA AMALIYOT INTEGRATSIYASI

ISSN: 2181-1776

Комил ХАЙДАРОВ,

*Самарқанд ВХТХҚТМО ҳудудий маркази, фалсафа фанлари номзоди, доцент*

### ЯНГИ ДАВР ВА ПЕДАГОГ МАСЪУЛИЯТИ

**Аннотация.** Мақолада бугунги кунда мамлакатимиз халқ таълими тизимини ислоҳ қилишнинг муҳим йўналишларидан бири – педагогларни замонавий методикалар бўйича ўқитиш амалиётини жорий қилиш, таълим муассасаларида илмий-ижодий муҳитни шакллантириш орқали ўқитувчининг педагогик маҳоратини ошириш масалалари тўғрисида баён қилинади.

**Калит сўзлар.** Таълим методикалари, педагогик маҳорат, илмий-ижодий муҳит, ўқитувчининг ижодкорлиги, малака ошириш, мафкуравий тайёргарлик.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 майдаги “2022-2026 йилларда халқ таълимини ривожлантириш бўйича миллий дастурни тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-134-сон Фармонида умумтаълим мактаби “ўқувчиларининг билими ва кўникмаларини шакллантириш, уларни миллий ҳамда умуминсоний кадриятларга содиқлик руҳида тарбиялаш, ўқитувчи касби нуфузини ва педагогларнинг сифат таркибини ошириш, дарсликлар ва ўқув методик мажмуаларни замон талаблари асосида такомиллаштириш, халқ таълими муассасаларининг халқаро стандартларга жавоб берадиган замонавий моделларини барпо этиш” [11] энг муҳим вазифалар сифатида белгиланди.

**Фармонда 2022-2026 йилларда халқ таълимини ривожлантириш бўйича миллий дастур (Ривожлантириш дастури) қабул қилинганлиги, унинг**



Энг муҳим вазифалари қаторида ўқув жараёнига халқаро миқёсда эътироф этилган таълим дастурларини жорий қилиш, педагог кадрларни замонавий методикалар бўйича ўқитиш амалиётини татбиқ қилиш вазифалари қўйилганлиги бугун мамлакатимиз халқ таълими тизимидаги ислохотларнинг асосий мазмун-моҳиятини белгилайди. Ана шундай долзарб вазифалар қаторида энг илғор, замонавий педагогик технологиялар, хусусан, таълимнинг янги методларини тизимга жорий қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Буни амалга ошириш учун меҳнат жамоаси – таълим муассасасида илмий-ижодий муҳитни қарор топтириш лозим.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “Илмга асосланмаган соҳанинг келажаги бўлмайди” [2.271]. Аини пайтда соҳада амалга оширилаётган туб ислохотларнинг муҳим йўналишлари сифатида таълимнинг сифатини кўтариш, янги педагогик технологияларни таълим жараёнида кенг қўллаш, илмий тадқиқот ишлари самарадорлигини ошириш, жамоада ишчанлик, ижобий, соғлом рақобат муҳитини шакллантириш учун қулай имкониятлар вужудга келди. **Илмий-ижодий муҳит** шундай муҳитки, унда жамоа аъзолари томонидан кенг кўламда изланишлар олиб борилади, тажрибалар ўтказилади, уларнинг натижалари чуқур таҳлил қилинади, мантиқий хулосалар чиқарилади, амалиётда синаб кўрилади ва ҳ.к. Шунинг билан биргаликда, тарбияланувчи, ўқувчи-талабалар қобилияти ва истеъдодини ривожлантириш, аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда улар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш, ушбу йўналишда аҳоли, маҳалла фуқаролар йиғини вакилларида иборат жамоатчилик эътиборини ўқув-тарбия жараёнига, тарбияланувчи, ўқувчи-талабалар шахсини ривожлантиришга жалб этиш йўналишидаги ишларга эътибор кучайтирмоқда.

Илмий-ижодий муҳит - маънавий муҳитнинг узвий қисми. Аниқроқ айтганда, улар ўзаро диалектик алоқадордир: илмий-ижодий муҳит маънавий муҳитни бойитади, маънавий муҳит эса илмий-ижодий муҳитнинг шаклланиши ва ривожини учун шарт-шароит яратади.

Иждодий муҳит деганда бевосита иждод жараёнининг ўзини тушуниш мумкин. Хўш, иждод нима? “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”да унга шундай таъриф берилган: “Иждод – инсоннинг янги моддий ва маънавий неъматлар яратиш фаолияти. Унда инсон тафаккури, хотираси, тасаввури, диққати, иродаси фаол иштирок этади, бутун билими, тажрибаси, истеъдоди намоён бўлади” [3.81].

Иждод фақат илмий ёки бадиий шаклда бўлибгина қолмайди. Янгиликларга интилиш, янги ғояларнинг туғилиши, уни ҳаётга, кундалик турмушга жорий этиш ҳам иждодий фаолиятнинг маҳсулидир.

Маънавий муҳит сермаҳсул иждод қилиш учун қулай имконият демакдир. Маънавий муҳитга таъриф бериб, таниқли файласуф А.Эркаев шундай ёзади: “Маънавий муҳит – жамиятнинг ҳиссий, ақлий ва жисмоний камолот борасида эришган ўртача савияси асосида вужудга келган талаблари ва уларнинг амалга ошириш тартиби. Муҳит, одатда, барқарорликка, бир текислик ва бир хилликка интилади, уларнинг талаблари ва таъсири ҳаммага бирдек ўртача бўлади”



[4.35]. Муаллиф баъзилар учун маънавий муҳитнинг талаблари камлик қилади, шунинг учун маънавий муҳит доирасида касбий, профессионал ёки гуруҳлар муҳити, яъни “субмуҳит” ҳам мавжуд бўлади, деб эътироф этади.

Маънавий ва ижодий муҳит ҳақида алоҳида назарий тадқиқотлар кам бўлсада, ҳар ҳолда ушбу тушунчаларнинг мазмун-моҳияти ўқитувчиларимизга аён, деб ўйлаймиз. Гап бундай муҳитни қандай яратиш ва ундан самарали фойдаланиш ҳақида кетмоқда.

Соғлом фикр, ишчанлик ва ташаббускорлик бор жойда муҳит соғлом бўлади, ўша жамоа аъзоларининг маънавий савияси ҳам юксак бўлади. Акс ҳолда маънавий носоғлом муҳит қарор топади, бу эса жамоада уюшқоқлик, меҳр-оқибатни емиради. Ғаразгўйлик, ҳасад, ғийбат, риёкорлик, маккорлик бор жойда ҳеч қачон файзу барака бўлмайди. Чунки бундай муҳитда бир умрлик дўстлар – ҳамкасблар юз кўрмас бўлиб кетадилар, устоз шогирдидан воз кечади. Раҳбар ва ходим ўртасида бир-бирини ўзаро тушунмаслик бошланади. Ғаразгўй, ҳасадгўй доимо ғийбат ботқоғида яшайди. У ҳамкасбининг ютуғидан қувониш ўрнига эзилади, чунки бировга яхшилик қилиш унинг учун бегона. Ҳасад, ғийбат туфайли буюк олим ва ҳукмдор Мирзо Улуғбек ўлдирилган, шоҳ ва шоир Мирзо Бобурга заҳар берилган, буюк шоир Алишер Навоий билан подшо Ҳусайн Бойқаро ўртасидаги дўстликка раҳна солинган. Маънавий соғлом муҳитда маънавий етук инсонлар меҳнат қиладилар. Ҳасадгўй, маккор ва ғийбатчилар улар орасида бўлмаслиги керак. Ҳар қандай ҳолатда ҳам соғлом муҳитни емирувчи иллатларни фош қилиш, уларни илдизи билан қўпориб ташлаш лозим.

Айниқса, таълим муассасаларида чинакам ишчанлик, ижодий муҳит шаклланган бўлса, у ерда ютуқ ҳам, самара ҳам, унумдорлик ҳам юқори бўлади. Бугунги кунда ислохотлар доирасида шундай муҳитни қарор топтиришга қаратилган кенг миқёсли чора-тадбирлар ва дастурлар ишлаб чиқилиб жорий этилмоқда, семинарлар ва ҳар хил анжуманлар ўтказилмоқда. Тадбирлар доирасида муассасалар кутубхоналарида ўқув йилига бағишлаб даврий матбуот материаллари ва бошқа адабиётлар бурчаги ташкил қилиш, “Ижодий ҳисобот дарслари”ни ўтказиб бориш, ўқитувчи ва мураббийлар меҳнатини маънавий рағбатлантириб боришни кенг йўлга қўйиш, “Инсонийлик илмини ўрганинг”, “Ўткир ақл, теран фикр эгаси – бахтиёр инсондир” каби мавзуларда суҳбат, мулоқот, мунозаралар ташкил қилиш, олим ва ижодкорлар билан мунтазам учрашувлар уюштириб бориш амалиёти йўлга қўйилса айти муддао бўлар эди.

Педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳудудий марказлари ҳамда педагогика олий ўқув юртларида “Энг яхши кафедра”, “Энг сермахсул ходим” номинациялари бўйича танловларни мунтазам ташкил қилиш, ғолибларни тақдирлаб бориш ҳам яхши самара беради.

Шунингдек, таълимнинг замонавий методикаларини машғулотларга жорий қилишга бағишланган анжуманлар ташкил қилиш, малака ошириш курсидан ўтган ўқитувчиларнинг кейинги фаолияти самарадорлигини ўрганишга оид қатъий мониторинг олиб бориш, таълим муассасаларининг ижодий салоҳиятини ошириш кабилар ҳам долзарб вазифалардандир.



**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. 2022-2026 йилларда халқ таълимини ривожлантириш бўйича миллий дастурни тасдиқлаш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони // “Халқ сўзи” газетаси, 2022 йил 13 май сони.
2. Шавкат Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси. - Т.: “O’zbekiston”, 2021.
3. 3. Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 4-жилд, - Т.: 2002.
4. А.Эркаев. Маънавият – миллат нишони. Т.: 1999.